

АБДУЛҲАЕВА Зилола Шарипжоновна
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
тадқиқотчиси

ШАРҚ ҚИЁСИЙ ДИНШУНОСЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА У БИЛАН БОҒЛИҚ НАЗАРИЙ- МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАР

ФОРМИРОВАНИЕ ВОСТОЧНОГО СРАВНИТЕЛЬНОГО РЕЛИГИОВЕДЕНИЯ И ЕГО ТЕОРЕТИКО- МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ

FORMATION OF EASTERN COMPARATIVE RELIGIOUS STUDIES AND ITS THEORETICAL AND METHODOLOGICAL FOUNDATIONS

Аннотация. Ҳар бир илмий йўналиш ўрганилаётганда, албатта унинг келиб чиқиши факторлари ҳамда пайдо бўлишига сабаб бўлган омиллар алоҳида тадқиқ қилинади. Мазкур мақолада турли динларни ўрганишга бўлган қизиқишнинг кучайиб бориши натижасида диншунослик фанининг келиб чиқиши тарихи, унинг Шарқда ривож топиб шаклланиши ва бунда мусулмон олимлари ўрнининг нақадар буюк экани ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: диншунослик фани, қиёсий диншунослик, дин, қадимги шарқ динлари, Шарқ қиёсий диншунослиги

Аннотация. Исследование любого научного направления не обходится без изучения факторов его происхождения и причин возникновения. В данной статье рассматривается история становления религиоведения как результата роста интереса к изучению различных религий. Особое внимание уделяется развитию этой дисциплины на Востоке и значительной роли мусульманских ученых в этом процессе.

Ключевые слова: религиоведение, сравнительное религиоведение, религия, древние восточные религии, восточное сравнительное религиоведение

Abstract. When studying any scientific field, the factors of its origin and the elements that led to its

emergence are always examined separately. This article discusses the history of the emergence of religious studies as a result of the growing interest in examining various religions, its development and formation in the East, and the great significance of Muslim scholars' role in this process.

Keywords: religious studies, comparative religious studies, religion, ancient Eastern religions, Eastern comparative religious studies

КИРИШ

Қиёсий диншунослик фани¹ XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида мустақил фан сифатида юзага келиши натижасида диншунослик мактабларининг пайдо бўлишига олиб келди. Ҳар бир диншунос тадқиқотчи ўз нуктаи-назаридан келиб чиққан ҳолда тадқиқот олиб бораётган бўлса-да, унинг маълумот тўплаб, ундан келиб чиққан ғоялар тўпламини тақдим этишдан кўра, уни амалиётга боғлаш ҳамда назария ва амалиётни биргаликда тадқиқ қилиш орқали натижани кўрсатиб бериш кераклигини тушуниб етдилар. Шундан келиб чиқиб, замонавий диншунос олимлар тадқиқотларнинг объектларида келтирилган дин вакилларининг ҳаёти ва фаолияти, ибодат масалалари ҳамда ибодатхона фаолиятини ўрганиш мақсадида черков, синагога каби ибодатхоналар билан биргаликда фаолият олиб боришмоқда. Бунинг натижасида қиёсий диншуносликнинг назарий-амалий методологияси тадқиқотларда ўз аксини топмоқда. Тарихга назар ташласак, диншунослик фанининг вужудга келишига оид тадқиқотлар Ғарб ва Шарқ олимлари томонидан ўрганилган. Жумладан, рус диншунос мутахассислари томонидан мустақил фан сифатида мазкур фан XIX аср ўрталарида Иммануэль Кант (1724-1804), Людвиг Фейербах (1804-1872), Фридрих Макс Мюллер (1823-1900), Корнелис Питер Тиле (1830-1902), Пьер Даниель Шантепи де ла Соссе (1848-1920), Зигмунд Фрейд (1856-1939) ва Макс Вебер (1864-1920) каби олимлар томонидан диннинг жамият ҳаётига таъсири ўрганилиши натижасида вужудга келган, дея маълумотлар берилади[1,4]. Бироқ динларни илмий жиҳатдан ўрганиш тарихи милоддан аввалги асрлардаёқ

¹ Қиёсий диншунослик фанининг мақсади – динлардаги мавжуд ўхшаш ва фарқли жиҳатларни кўрсатиб беришдан иборат бўлиб, буларни ёритишда маълум принцип ва тамойилларга асосланилади.

Юнон ҳамда Рим олимларининг қадимги шарқ динларини тадқиқ қилишлари натижасида шаклланган, деган маълумотлар ҳам тадқиқот жараёнида учрагани кўплаб фикрларни вужудга келтирди. Жумладан, Гесиод (мил.авв. 700)², Ксенофан Колофонский (мил.авв. 570-480)³, Пифагор (мил.авв. 540-500)⁴, Геродот (мил. авв. 484-425)⁵, Аристотель (мил.авв. 384-322)⁶, Полибий (мил.авв. 200-120)⁷, Полигистер Александр (мил. авв. 105 йилда туғилган)⁸, Страбон (мил.авв. 64-мил.20)⁹, Плутарх (46-119)¹⁰, Публий Корнелий Тацит (55-120)¹¹, Лукиан (120-190)¹² каби юнон олимлари бошқа халқларнинг динларини ўрганиш ва уларни ўз динлари билан солиштириб қиёслашга ҳаракат қилганлиги қиёсий диншуносликка оид маълумотлар келтирган, дея айтиш мумкин. Мазкур жараён кейинчалик Варрон (мил.авв. 116-27)¹³, Овидий Назон Публий (мил.авв. 43-мил. 18)¹⁴, Плиний (61/62-113)¹⁵, Апулей (тах. 124)¹⁶, Евсевий (260-339)¹⁷ каби римлик классик

² “Теогония” асарида худолар ва улар ҳақидаги афсоналарни ўрганган олим.

³ Диний антропоморфизмни танқид қилган илк олимлардан бири.

⁴ Италия жанубидаги Кротон шаҳрида диний-фалсафий мактабга асос солган олим.

⁵ Ўзининг “Тарих” асарида ўша даврдаги деярли барча давлат ва халқлар ҳақидаги маълумотларни қолдирган олим.

⁶ Диний-фалсафий фикрлари кейинчалик Европанинг маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутган олимлардан бири.

⁷ Ўрта ер денгизи атрофидаги барча давлатлар ва у ерда яшаган халқларни ўрганишга қаратилган қирқ томлик китоб ёзган. Афсуски улардан бештасигина сақланиб қолган.

⁸ Яхудийлар ҳақида муҳим маълумотларни қолдирган олим.

⁹ География, тарих, мифология, маданиятшунослик ва диншунослик масалаларини ўрганишга қаратилган асар ёзган олим.

¹⁰ Қадимги юнон динларини ўрганган олим.

¹¹ “Тарих” китобида яхудийлар ҳақида маълумотлар қолдирган.

¹² Тарих, фалсафа, ахлоқ ва дин масалаларига оид асарлар ёзган олим.

¹³ Рим империясининг ижтимоий ва диний ҳаётини ўрганган олим.

¹⁴ Ўзининг “Метаморфоз” асарида дунёнинг яратилишидан то ўз даврига қадар мавжуд бўлган икки юз элликдан ортиқ худо ва илоҳларни ўрганган олим.

¹⁵ Ўнта китобдан иборат “Рисола” ёзган бўлиб, ўзининг илк христианликка оид муҳим манба ҳисобланади.

¹⁶ Динлардаги сеҳр-жодуни ўрганиб, ўзининг “Апология” асарида қиёсий таҳлил қилган олим.

¹⁷ 324-йилга қадар мавжуд бўлган христиан черковлари ҳақида маълумот қолдирган олим.

давр ёзувчилари томонидан ўзлаштирилиб, диний таълимотларнинг вужудга келиши ва ривожланиши каби масалалар мавзу даражасига кўтарилган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Жаҳон динларини таснифлаб, у қиёсий диншуносликни фан сифатида шакллантирган ҳамда Ғарб қиёсий диншунослигининг асосчиси Фридрих Макс Мюллер ҳисобланса-да, бироқ бундан деярли минг йил аввал Шарқ қиёсий диншунослиги Абу Райҳон Беруний¹⁸ томонидан шакллантирилгани ҳамда аллома диншуносликнинг илк тамал тошини қўйгани кўплаб олимлар томонидан тан олинди. Маълумки, ҳар қандай фаннинг асосларини назарий-методологик масалалар ташкил қилади, жумладан қиёсий диншуносликнинг ҳам ўзига хос назарий-методологик асослари мавжуд ва унинг муҳим қисмини тизимли методология эгаллайди. Абу Райҳон Беруний диншунос олим сифатида ўз асарларида қиёсий диншуносликнинг тизимли методологиясини яратганини унинг асарларини тадқиқ қилиш жараёнида гувоҳи бўлдик.

Динларни ўрганишга оид ўрта асрлардаги манбалар бу соҳада Шарқ мусулмон олимларининг ўрни юксак бўлганини кўрсатади. Бу фикрни ҳатто Ғарб олимлари ҳам эътироф этган ҳолда, “Қиёсий диншунослик фани мусулмон олимларининг илм-фан ривожини учун буюк тухфаси” [2,5] дея таъкидлаганлар.

Маълумки, VIII-X асрларда араб халифалиги шарқда Хитойдан ғарбда Испаниягача, шимолда Ҳазар ҳоконлигидан жанубда Ҳиндистонгача бўлган ерларни ўз ичига олган йирик давлат бўлган. Унинг ички ҳудуди ва чегарадош минтақаларида турли дин ва маданиятга эга халқ, элатлар яшаган. Мамлакат аҳолисининг кўпчилигини мусулмонлар ташкил қилган, бироқ улар орасида яхудийлар, масихийлар каби бошқа дин вакиллари ҳам мавжуд бўлган. Улар мусулмон давлати билан тузилган *зиммийлик* шартномаси асосида эркин ҳаракатланиш, яшаш, уй-жой дахлсизлиги, эътиқод эркинлиги, жамият ҳаётида қатнашиш каби ҳуқуқлардан тенг фойдаланганлар. Турли

¹⁸ Унинг тўлиқ исми Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний. 973 йил 4 сентябрь куни Хоразмнинг қадимий пойтахти Кот шаҳрида дунёга келган.

ижтимоий-иқтисодий муносабатлар жараёнида улар бевосита мусулмонлар билан мулоқотга киришганлар. Бу ҳолат мусулмон олимлари томонидан бошқа динлар ва эътиқодларнинг ўрганилишига сабаб бўлган.

Аслини олганда, бошқа динларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уларни ўрганиш ҳамда ўзаро солиштириш ҳолатларини бевосита исломнинг асосий манбаларида кузатамиз. Қуръони Каримнинг Рум сурасининг 22-оятига кўра, “Унинг белгиларидан (яна бири) – осмонлар ва ерни яратиши ва сизларнинг тилларингиз ва ранглариингизни хилма-хиллигидир. Албатта, бунда барча оламлар учун аломатлар бордир” [3,404], Шунингдек, Хужурот сураси 13-оятда: “Эй, инсонлар, дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳавво) дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишларингиз учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила (элат)лар қилиб қўйдик” [3,514], Бақара сураси 208-оятда бу дунё барча халқ ва дин вакиллари тинч-тотув яшайдиган замин деб эълон қилинган [3,2], Наҳл сураси 125-оятда эса бошқа дин вакиллари билан низолашмасликка, аксинча улар билан гўзал муомалада бўлишга чорланганини кўрамиз [3, 267]. Анкабут сураси 46-оятда “айтинглар: «Бизлар ўзимизга нозил қилинган (Қуръон) га ҳам, сизларга нозил қилинган (Таврот ва Инжил)га ҳам имон келтирганмиз. Бизларнинг илоҳимиз ва сизларнинг илоҳингиз бир (Илох) дир ва бизлар Унгагина бўйин сунувчимиз” [3, 396], деб кўрсатма берилган.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадисларида ҳам бошқа маданиятлар, хоссатан бошқа динларни ўрганишга бўлган чақириқлар мавжуд. “Илм Чин-Мочин (Хитой)да бўлса ҳам, уни излаб топиб, эгаллангиз. Зеро, илмни талаб қилиш ҳар бир мусулмонга фарздир”¹⁹, ҳадиси кенгрок талқин қилинса, бошқа маданиятларни ўрганишга қаратилган чорловни англаш қийин эмас. Бундан ташқари, Пайғамбар ҳаётини ўрганиш жараёнида уларнинг бошқа динларга нисбатан ўта бағрикенглик билан муносабатда бўлганлари ойдинлашади. Ҳижратнинг биринчи йили (622-й.)да ёзилган, “Саҳифа” номи билан тарихга кирган ўзига хос Мадина Асосий Қонунининг биринчи моддасида ушбу

шартномани тузган Мадинанинг барча аҳолиси – мусулмонлар, яҳудийлар, христианлар бир халқ экани таъкидлангани, турли диний эътиқодларга эгаллигига қарамасдан уларнинг бари тенг ҳуқуқлардан фойдаланиши белгилангани фикримизни тасдиқлайди.

Ислом асосларида ўрнатилган бошқа динларга нисбатан юқоридаги ҳолат, яъни уларга нисбатан бағрикенглик билан муносабатда бўлиш намунаси кейинги даврда яшаган бир нечта мусулмон олимлари томонидан уларни илмий жиҳатдан ўрганишга асос бўлган. Аммо, уларнинг ичида ҳаммаси ҳам бағрикенгликни асосий тамойил қилиб олган, деб айтиб бўлмайди. Баъзилари бошқа динларни танқидий жиҳатдан ўрганган бўлса, баъзилари соф киёсий услуб асосида тадқиқ қилганини кўрамиз. Уларнинг ичида ҳатто замонавий диншуносликнинг долзарб тамойилларини ёдга солувчи беғаразлик, холислик қарашлари асосида ўрганган олимлар ҳам бўлганини таъкидлаш зарур.

IX-XII асрларда иккинчи ренессанс даврида мусулмон дунёсида динларни ўрганишга бўлган зарурат бир қатор олимларнинг бу соҳада фаолият кўрсатишларига туртки бўлган. Натижада, Жоҳиз (776-868), Яъқубий²⁰ (ваф. 897²¹ ёки 905²²), Абу Маъшар ал-Балхий²³ (850-934), Табарий²⁴ (ваф. 926), Масъудий (ваф. 958), Абул-Фараж ибн ан-Надим (X-аср), Макдисий (X-аср), Бокиллоний (950-1013), Қози Абдулжаббор²⁵ (ваф. 1025), Абдулқохир Бағдодий (ваф. 1038), Абу Райҳон Беруний²⁶ (973-1048), Ибн Ҳазм (994-1064)лар ўзларининг динларни ўрганишга қаратилган асарлари билан машҳур бўлган. Бу асарларда асосан тарихда

²⁰ Абу Аббос Аҳмад бин Исҳоқ бин Жаъфар бин Ваҳб бин Вадиҳ ал-Яъқубий (أبو العباس أحمد بن إسحاق بن جعفر بن وهب بن واديح اليعقوبي), “Китаб ал-булдон” (كتاب البلدان) асари

²¹ Қаранг: <http://www.vostlit.info/haupt-Dateien/index-Dateien/JA.phtml?id=2069>

²² Қаранг: http://ru.wikipedia.org/wiki/905_год

²³ Абу Зайд ал-Балхий (أبو زيد البلخي), “Ашқалул билад” (اشكال البلاد) асари

²⁴ Муҳаммад бин Жарир бин Язид бин Касир бин Ғолиб аш-Шухайр ат-Табарий (محمد بن جرير بن يزيد بن كثير بن غالب), “Тарих ар-русул вал мулук” (تاريخ الرسل و), (الشهير الطبري الملك) асари

²⁵ Қози Абдулжаббор (قاضي عبدالجبار), “Муғний” (المغني), “Ал-фарқ байнал фирақ” (الفرق بين الفرق) асарлари

²⁶ Абу Райҳон Муҳаммад бин Аҳмад Беруний (أبو الريحان محمد بن أحمد البيروني), “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” (الآثار الباقية عن القرون الخالية), “Ҳиндистон” (تحقيق ما للهند من مقولة مقبولة في العقل أو مردولة) асарлари

¹⁹ Имом ибн Адий ва Байҳақийлар заиф иснод билан ривоят қилган. Қаранг: Сайфуддинов Р. Илм – инсон зийнати // <https://islom.uz/maqola/2795>

ва бу олимлар яшаган даврда мавжуд бўлган турли динлар ўрганилган. Диншунос олим Эрик Шарп Хитой чегарасигача бўлган барча динлар, уларнинг йўналиш ва мактабларининг ўша даврга оид маълумотлари мусулмон олимларининг уларни ўрганишга қаратилган асарлари орқалигина етиб келганини таъкидлайди[5,11]. Юқорида номлари тилга олинган олимлар орасида Беруний ҳамда XII асрда яшаб ижод этган Шахристониё ўзларининг динларни ўрганиш жараёнида объективлик ва холислик тамойилларига амал қилганлари билан алоҳида ажралиб туради.

Дастлабки даврда мусулмон олимлари томонидан бошқа динларни ўрганиш “аҳли китоблар”га раддиялар ёзиш шаклида вужудга келган[6,128]. Кейинчалик ўзига хос Шарқ қиёсий диншунослиги шаклланиган. Олимлар асосан ўзлари яшаб турган жамиятдаги турли дин вакиллари эътиқодларини ўрганганлар, шунингдек турли сафарлар давомида тўқнаш келган христиан ва яҳудийликдан бошқа дин вакиллари урф-одатлари ҳамда диний ақидалари билан ҳам танишишлари натижасида ислом тарихида келиб чиқиши яҳудий ёки христиан бўлган, кейинчалик исломни қабул қилиб, дин масалаларини ўрганган олимларни ҳам учратиш мумкин. Масалан, Абдуллоҳ Таржумон Маюрқий (ваф. 1420) дастлаб христиан бўлган. Исломни қабул қилгач, “Тухфату-л ариб фи-р радд ʼала аҳли салиб” (تحفة الأريب في الرد على أهل الصليب – Христианларга раддия беришда оқиллардан туҳфа) китобини, Самуэль ибн Яхё ибн Аббос Мағрибий (1130-1180) эса яҳудийликдан исломга ўтиб, “Базлу-л мажҳуд фи ифҳами-л яҳуд” (بذل المجهود في إفحام اليهود – Яҳудийларга раддия беришда бор кучни сарфлаш) китобини ёзган. Асли яҳудий бўлган Абул Ҳасан Яҳудоалловий (1075-1141) “Ал-Ҳужжат ва-д-далил фи насрати-д-дин-из-залил” (الحجة و الدليل في نصرته الدين الذليل – Таҳқирланган диннинг ғалабаси учун ҳужжат ва далил) асарида яҳудийлик динини ислом ва масиҳийлик билан солиштириб, улардан ҳимоя қилишга уринади. Иззуддавла лақаби билан машҳур бўлган яна бир яҳудий олим Саъд ибн Мансур (ваф. 1284) эса “Ал-Абҳас фи милалис салас” (الأبحاث للمل – Уч динни ўрганиш) асарида уч динни қиёсий ўрганади. 70 ёшида насронийликдан исломга ўтган яна бир олим Али ибн Раббон ат-Табарий (IX-аср) 850-855-йиллар орасида ёзган “ар-Радд ʼала-н-насаро” (الرد على النصارى)

- Насронийларга раддия) номли беш бўлимдан иборат китобида Қуръони Каримни Инжил билан солиштирган[7,119]. Шундай бўлса-да, Шарқ қиёсий диншунослигининг шаклланишида катта ўрин мусулмон олимларига берилади. Чунки Шарқ олимлари турли динларнинг вужудга келган ҳудуди тарихини ўрганиш билан бирга мазкур диёрда яшаб ижод қилиши натижасида назария билан амалиётни ҳамоханг тарзда олиб бориш имкони бўлганлигини фикримизнинг далили бўлиб хизмат қилади.

ХУЛОСА

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб, аксарият мусулмон уламоларнинг ўзга динларни ўрганишлари натижасида ўзига хос Шарқ диншунослиги вужудга келди. Шарқ диншунослиги Марказий Осиё тарихида халқларнинг, турли миллат ва элатларининг ҳар хил дин вакиллари ўлароқ бир юртда биргаликда ҳаёт кечириши Шарқда диний бағрикенгликнинг намунаси бўла олади. Бугунги кунда ҳам мамлакатимизда турли миллат ва дин вакиллари бағрикенглик туйғуси асосида фаолият юритиши ва ҳаёт кечириши аجدодларимиздан қон-қонимизга сингиб кетган анъана бўлиб қолган. Шу жиҳатдан олиб қараганда, мусулмон олимлари томонидан шакллантирилган Шарқ диншунослиги асосчиларининг тадқиқотлари бугунги кунда ҳам зарур ҳисобланади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Миронов А.В., Бабинов Ю.А. Основы религиоведения: Рабочая книга преподавателя и студента. Учебное пособие. – М.: НОУ, 1998.
2. Franz Rothenthal. Shahrastani on the Indian Religions. – Moulton, 1976.
3. Қуръони карим маъноларининг таржимаси ва тафсири // Таржима ва тафсир муаллифи: Шайх Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009
4. Сайфуддинов Р. Илм – инсон зийнати // <https://islom.uz/maqola/2795>
5. Erik J. Sharpe. Comparative Religion. – Chicago: Open Court, 1991.
6. Wassilios Klein, Abu Rayhan al-Biruni und die Religionen – Nordhausen: Traugott Bautz, 2005.
7. Theodore Pulcini, Gary Laderman, Exegesis as polemical discourse: Ibn Hazm on Jewish and Christian Scriptures. – Oxford University Press, 1998.